

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI**344** Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш ва кадастр хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан киритилган кадастр ҳужжатларини техник инвентаризациядан ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2014 йил 1 августдан бошлаб, қуйидаги давлат хизматлари ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан бепул амалга оширилади:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

ипотека ва ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотномалар бериш, жумладан бегоналаштирилаётган ёхуд мерос бўйича ўтаётган бино ва иншоотларнинг амалдаги таркибини ва ҳолатини аниқлаштириш мақсадида уларни натурада ўрганиш;

шахсий турар жой мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида маълумотномалар бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 10 июль,
186-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига
ИЛОВА

**Кадастр ҳужжатларини техник инвентаризациядан
ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари
нархларини белгилаш
ТАРТИБИ**

Т/р	Давлат хизматлари номи	Ишлар нархлари
I. Кўчмас мулк объектларини уларнинг нотурар бино ва иншоотларга оид қисмига кадастр ҳужжатларини тайёрлаган ҳолда техник инвентаризациядан ўтказиш		
1.1.	Умумий майдони 100 кв. м гача бўлган кўчмас мулк	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди
1.2.	Умумий майдони 100 кв. м дан 1000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк	Объектнинг 1 кв. м майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди
1.3.	Умумий майдони 1000 кв. м дан 5000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк	Энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдориди
1.4.	Умумий майдони 5000 кв. м дан 15000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк	Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдориди
1.5.	Умумий майдони 15000 кв. м дан 50000 кв. м гача бўлган кўчмас мулк	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди
1.6.	Умумий майдони 50000 кв. м дан ортиқ бўлган кўчмас мулк	Энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдориди
II. Кўчмас мулк объектларини уларнинг кўп квартирали уйлардаги квартираларга оид қисмига кадастр ҳужжатларини тайёрлаган ҳолда техник инвентаризациядан ўтказиш		
2.1.	Кўп квартирали уйдаги квартира	Объектнинг 1 кв. м майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Т/р	Давлат хизматлари номи	Ишлар нархлари
III. Кўчмас мулк объектларини уларнинг якка тартибдаги турар жойга оид қисмига кадастр ҳужжатларини тайёрлаган ҳолда техник инвентаризациядан ўтказиш		
3.1.	Якка тартибдаги турар жой	Объектнинг 1 кв. м майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди
3.2.	Қишлоқ жойлардаги майдони 100 кв. м дан ортиқ бўлган якка тартибдаги турар жой	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди
IV. Бўш ер участкаларига кадастр ҳужжатларини тайёрлаган ҳолда уларни техник инвентаризациядан ўтказиш		
4.1.	Якка тартибда турар жой қуриш учун ажратилган ер участкаси	Бепул
4.2.	Нотурар жой объектларини қуриш учун ажратилган ер участкаси	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди
4.3.	Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаси	Энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдориди

Изохлар:

Умумий майдонни аниқлашда уларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, инвентаризациядан ўтказилаётган ер участкасида жойлашган барча иморатлар ва иншоотларнинг умумий майдони ҳисобга олинади.

Бино ва иншоотлар бегоналаштириляётганда кўчмас мулк объекти жойлашган ер участкасини техник инвентаризациядан ўтказганлик ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун тўлов ундирилмайди.